



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 14 февраль, № 32 (5962)

Жума

Озиқ-овқат саноати:

## МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР САМАРАСИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораёпти. Шубҳасиз, бу иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва ҳаётий дастурларнинг юксак самарасидир.

### ИСЛОҲОТ

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида саноатнинг тамомила янги тармоқларига асос солиндики, пировардида қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳамми муттасил кўпайиб бораёпти. Буни биргина мисол, яъни ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24,2 фоиздан ошганида ҳам кўриш мумкин. Холбуки, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоизга тенг эди, холос.

2013 йил, айниқса, саноатимиз салоҳиятини юксалтириш, таъбир жоиз бўлса, жабҳада янги саҳифа очилди даври бўлди. Бу унинг юқори технологияларга асосланган тармоқлари, хусусан, озиқ-овқат саноатида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ички ва ташқи инвестициялар жалб этилган ҳолда, янги корхоналар ишга туширилаётгани, мавжуд қувватлар изчил модернизация қилинаётгани ютуқлар гарови бўлаётди.

(Давоми 2-бетда).



Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши

# 24,2

фоиздан ошди.



## 14 ФЕВРАЛЬ — ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда халқимизнинг улуг фарзандлари — Алишер Навоий ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

## Бебаҳо мерос қадри

Эзгу саъй-ҳаракат ва ташаббуслар натижасида Алишер Навоийнинг йиғирма ҳамда ўн жиллик асарлари нашр этилди. Таниқли олимларимизнинг монография, рисола ва китоблари туфайли навоийшунослик илми янада ривожланди. Худди шунингдек, 1991 — 2010 йиллар оралиғида яратилган Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги академик, илмий-оммабоп нашрлар, диссертациялар, бадиий-адабий асарлар боис бобуршунослик илми ҳам изчил шаклланди. Бу хайрли ишда Халқаро Бобур жамоат фонднинг муносиб ўрни бор, дейишимиз мумкин.

Мазкур фонд таркибидаги Халқаро Бобур илмий экспедицияси 1992 йилдан ҳозирги кунгача йиғирма икки мартабача чет элларга сафар уюштирди. Шунингдек, Бобур ва бобурийлар қадимлари ҳамда уларнинг асарлари тарқалган дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакат-

ларида бўлиб, Амир Темур ва теурийлар, Бобур ва бобурийлар, заманимиздан етишиб чиққан буюк аждоқларимизнинг абадий оромгоҳларини зиёрат қилиб, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларини ўрганиш, юртимиз ахлини бундай маънавий меросдан баҳраманд этишга эришди. Қолаверса, жаҳон бобуршунослари билан мунтазам алоқа йўлга қўйилди. Япониядан Эйжи Мано, АКШдан Уиллер Текстон ва Стефан Дейл, Германиядан Клаус Шониг ва Ян Хонзел, Ҳиндистондан Мансура Ҳайдар, Франциядан Грамон Беке, Шотландиядан Хасан Бек, Афғонистондан Шафиқа ва Ҳалим Ёркин, Озарбайжондан Рамиз Аскер, Қозғистондан Ислоҳ Жемени, Туркменистондан Раҳиммамет Куренов ва бошқалар билан ҳамкорлик ўрнатилгани фикримиз исботидир.

(Давоми 3-бетда).

## «Ўзбекистон изчил ва барқарор ривожланаётган замонавий мустақил давлатдир»

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ҳам ўз муносабатларини билдиришмоқда.

### ЭЪТИРОФ

Жумладан, мазкур мамлакатда чоп этиладиган "Право выбора" газетасида "Ўзбекистон: юқори ва барқарор ўсиш суръатларини, модернизация ва диверсификациялашни таъминлаш йўли" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши мавзусига бағишланган ушбу мақолада кейин-

ги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ўсишининг юқори суръатларини кўлга киритаётгани иқтисодиётнинг барқарор ва изчил тараққиётини, аҳоли фаровонлиги ҳамда даромадлари юксалганидан далолат бериши алоҳида таъкидланади. "Тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистон изчил ва барқарор суръ-

атларда ривожланиб бораётган замонавий мустақил давлатга айланди, — деб ёзилади нашрда. — Дунёда рўй берган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб турган бир шароитда сўнгги 7 йил давомида мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда. Давлат томонидан танланган ислохотлар стратегияси, яъни жаҳонда ривожланишининг "ўзбек модели" дея эътироф этилган тараққиёт йўли бундай кўрсаткичларга эришишга асос бўлаётди".

(Давоми 2-бетда).

www.xs.uz

### «Халқ сўзи»

газетаси сайтыда ўқинг

### Қуёш панеллари

Сурхондарё вилоятидаги айрим хунармандлар кашта ва мато ипларини бўйлаб жараёнида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишмоқда.

Халқ сўзи  
Народное слово

## Мактабгача таълим ва янгича ёндашув

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида мактабгача таълимни жорий этишда янгича ёндашув мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

### АНЖУМАН

Таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимизда жами 5025 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 75 таси нодавлат мактабгача таълим муассасаларидир. Ҳозир уларда 581,5 минг нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу кўрсаткич мактабгача ёшда бўлган болаларнинг 23,3 фоизини ташкил қилади. Бу эса мазкур йўналишда бир қатор долзарб ва-

зифаларни бажаришни тақозо этади. Хусусан, халқ таълими тизимида мактабга тайёрлашнинг ноанъанавий усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад мазкур муассасаларда болалар камровини кенгайтиришдир. Бунинг учун ушбу таълим тизимига интерфаол усуллари татбиқ қилиш, тизимдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш зарур.

Бугунги кунда оилаларда тарбияланаётган болаларда мактаб таълимига бўлган кўникмани ҳосил қилиш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар, маҳаллалар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган оиладаги болалар учун қисқа муддатли тезкор тайёрлов гуруҳлари, саводхонлик марказлари очилди. Шунингдек,

имконияти чекланган болалар билан алоҳида ишлаш борасида ҳам бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Ушбу йўналишда мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази қошида "Таълим ҳамма учун" деб номланган маслаҳат маркази иш бошлагани фикримиз далилидир. Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ҳам хорижий тилларни ўргатиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет ва солиқ соҳаларини либераллаштириш жараёнида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги охишида муҳим омил бўлмоқда.

## СОЛИҚЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, жорий йилда ҳам солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажминини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожига катта аҳамият касб этади.

Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

Ушбу муҳабрининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ солиш методологияси бошқармаси бошлиғи Абзор ҒАФФОРОВ билан суҳбати солиқ соҳасидаги ўзгаришларнинг ҳоҳияти ва аҳамияти хусусида бўлди.

— Жорий йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди А. Ғафоров. — Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб, шу асосда тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит тақомиллаштирилиб, ишбилармонлик муҳити янада яхшиланмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг пайсантирилиши билан бир қаторда, бошқа аҳоли пунктлари, жумладан, қишлоқ жойларида газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2014 йил 1 январдан бошлаб, энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 0,5 бараварига пасайтирилди. Ушбу солиқ ставкаси йил бошида амал қилган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланиши ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, бир қатор қонун ҳужжатларининг нормаларини бир хил қўллаш учун уларни аниқлаштириш мақсадида хизмат қилади. Унда солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисmini мустаҳкамлашга ва солиқ маъмуричилигини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).



ГАМХЎРЛИК

Фаргона вилоятида умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ўғил-қизлар жамоат транспортидан имтиёзга ва бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўқувчилар учун имтиёз

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Фаргона вилояти бўлими раҳбари Сотволди Обидовнинг таъкидлашича, ҳозир мазкур қулайликдан 50 минг нафардан зиёд ўқувчи баҳраманд бўлаётди. Ўғил-қизларни автобус ва микроавтобусларда белгиланган манзилга имтиёзли равишда етказиб қўйишда ўқувчилик гувоҳномаси асос бўлиб хизмат қилаётди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда 170 га яқин автокорхона йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётди. Фаргона шаҳридаги "Фаргона водий навқари" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Ҳозир унинг ихтиёрида 120 та автобус мавжуд бўлиб, 13 та йўналиш бўйлаб қатновлар амалга ошириляпти. Хусусан, автокорхона хизматларидан кунига 5000 нафардан зиёд ўқувчи бепул фойдаланаётгани эътиборга молик.

Икки нафар фарзанддан жамоат транспортда ўқишга қатнайдми, — дейди Фаргона шаҳрида яшовчи Мафтуна Рустамова. — Вилоятимиз ҳокимлиги томонидан жорий қилинган имтиёз тўғрисида ҳозир ҳар ойда салмоқли маблағни тежаб қолаёلمиз. Бунинг ҳисобига фарзандларимиз учун қўшимча ўқув жихозлари, бадиий адабиётлар харид қилаёلمиз. Қолаверса, ўқувчилар давомати ва дарс самардорлиги янада яхшиланганидан отаналар ҳам, таълим муассасалари маъмурияти ҳам мамнун.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



◀(Давомий. Бошланishi 1-бетда).

Сафарлар давомида Бобур ва бобурийлар асарларининг чет тилларга таржималари, улар хусусида ёзилган тадқиқотлардан йигирмадан ортиқ тилдаги 400 дан зиёд ноёб китоб ва қўлёзма асарлар Андижондаги Бобур боғида жойлашган "Жаҳон маданияти ва Бобур" музейига келтирилди. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг эски ўзбек тилида ёзилган Саларжанг музейидаги Хайдаробод нусхаси, Мирзо Бобур ихтиро этган хатти Бобурий ёзувида битилган Куръони каримнинг Машхад нусхаси, Техроннинг "Гулистон" музейидан олинган

"Бобур куллиёти" асарлари ҳужумасидандир. Утган йиллар давомида "Бобурнома"нинг илмий-танқидий нусха қимматидаги наشري (2002), "Бобурнома"нинг ҳозирги ўзбек тилига таъбири (2008), "Бобурнома"нинг қайта таҳрир этилган русча наشري (2008), Муҳаммад Хайдар Мирзонинг

"Тарихий Рашидий", Хондмирнинг "Ҳабиб ус-сияр" ва "Ахбори афроди башар", Румер Годеннинг "Гулбадан", Вильям Рашбуркнинг "Ун олтинчи аср бунёдкори", Шарманнинг "Бобурийлар салтанати", Фриц Вюртленнинг "Андижон шахзодаси" (Бобур), С. Бергнинг "Ақбар — бобурийларнинг буюги",

Мўъжизийнинг "Таворихи мускион" каби йигирмадан ортиқ асарлар нашр этилди. Албатта, бу эзгу ишлардан кўзланган мақсадимиз Бобур ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганишдан иборат. Бинобарин, буюк аждодларимиз ҳаёти, ижоди билан муфассал танишиш ҳар бир юрдошимиз, айниқса, ёшларимизга улкан ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Зоҳиджон МАШРАБОВ, Бобур фонди раёсати аъзоси.

Комиллик хислати

Тарихда 332 йил ҳукм сурган Бобурийлар сулоласининг асосчиси — Бобур назму насрда, илму урфонда ўчмас из қолдирган, мумтоз адабиётимизнинг ажойиб сўз санъаткоридир.

"Захириддин Муҳаммад Бобур" сўзларининг ҳар бири оламжаҳон маъно-мазмунга эга. Бу уч сўзли исми Умаршайх Мирзонинг ўғлига Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қўйган.

ҲАЙРАТ

Туз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур, Юз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур. Сарриштай айшдин кунгулли зинҳор Уз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур.

Бу исмдаги маъно-мазмун унинг шахсида тўла шаклланди. У йўлбарсдек жасоратли ва соғлом эди: Бекобод ёнидаги Хаштияк қишлоғи. Қиш чилласи. Соғуқ забтига олган... Суви тезоқар ариқча кириб, Бобур ўн олти маротаба чўмилиб чиқадди!..

Адабиётшунослик илмининг энг қийин соҳаси аруз бўлса, у арузга оид тадқиқоти — "Муфассал" билан барча арабу форс, туркий адабиётшунослардан ўзди. Агар Аҳмад Тарозий "Фунун ал-балоға" ("Адабиётшунослик фанлари")да юзтача атрофидидаги вазнини тадқиқ этган бўлса, Бобур ўз рисоласида 536 вазнини кўрсатиб берди.

"Бобурнома"дек қомусий асар муаллифи ўзининг кенг қамровли билимини шу асар орқали исботлади. Аввало, бу асар ўз даврининг мислсиз насри намунаси ҳисобланади. Сўнгра "Вақоъ" ("Бобурнома")ни биз адабиётшунослик, тилшунослик, элшунослик, наботот ва жониворшунослик (зоология), тоғ-кон-

шунослик, санъатшунослик, ҳарбшунослик, ахлоқшунослик, тарихшунослик... асари сифатида мароқ билан тадқиқ этишимиз мумкин.

Бобур наботот — ўсимликшунослик илмида биринчи бўлиб айрим дарахт ва ўсимликларнинг икки жинслигини қайд этди.

Тилшунослик сифатида қиёсий тилшунослик илмида уч оилага мансуб тилларни қиёслаш намунасини кўрсатди.

Бобур тошбитиклари матнининг ўзи ҳам тошга ўйиб ёзган кишининг буюк иқтидори кўрсаткичи бўла олади. Бобурнинг дастхати бўлган Оббурдон қишлоғи Озаҳак булоғи бошидаги тошбитикка академик А. Семёнов "Бобур тошбитиги жаҳоннинг энг нуфузли музейлари зийнати бўла олади", деб баҳо берган эди. Биз учун эса бу тошбитик матни яна бир жиҳатдан эътиборлидир:

Эшитганим борки Жамшиддек номдор Булоққ тошига ёздирди ёғдор. Бу булоқ бошига кўплар етдилар, Кўз юмиб очгунча йитиб кетдилар. Мардлиги зўрликка дунёни олдик, Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик. Гап шундаки, Соҳибқирон Амир Темурнинг

Тўхтамишга қарши юриши тасвирида Шарифиддин Али Яздий "Зафарнома"да Жезқазган яқинидаги Улуғ Тоғнинг Олтин чўққисиде ёдгорлик тоши ёздирганини қайд этар экан, Саъдий Шерозийнинг "Бўстон" асаридан олинган юқоридаги уч байтлик шеърнинг тўрт мисрасини келтиргандир. Улуғ бобокалони Амир Темур шуҳратининг орзуси ҳамisha Бобур ёдида ва йўлдоши эди.

Бобур газалларидаги юксак бадиийликда битилган ошиқона хислар жилваси бутун табиийлиги билан китобхонни ром этади:

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг икки райҳонидур, Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг даврида, Гул уза ағнар магар ул иккиннинг давронидур...

Айриликда юзи хазондай саргайган ўксик ошиқ изтироблари талқини:

Хазон япроғи янглир гул юзининг ҳажрида саргардим, Кўриб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардин. Сен, эй гул, қўймадинг сарқашлигингни сарвдек ҳаргиз, Оёғинга тушуб барги хазондек қанча ёлбордим.

Бобур — ота, оила бошлиғи сифатида ҳам аёлни ўта ҳурмат қилади, улардан узокда эканлигида хат-хабар билан дилдорлик этади:

Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим, Гар ул сори борсанг будурур дилҳохим. Ким арзи дуо ниёз ила қилгойсен, Гар сўрса мен хаста Гулрух, Моҳим. Жисман мислсиз соғлом, ахлоқан ва эътиқод юзасидан устувор ва пок, фаолиятининг

қайси жабҳасида бўлмасин, фаоллик ва гайрат, шижоат намунаси бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур бугун ўз асарлари билан халқимиз кўнглини ёритиб турган чироқлардан биридир. Шунингдек, ҳар биримизни Ватанга муносиб фарзанд бўлиб, келажак сари дадил қадам ташлашга ундовчи, абадиятга дахлдор азиз ва қадрли сиймодир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ, филология фанлари номзоди.



Реклама ва эълонлар

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Сиз ишда, хизмат сафарини, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ҳамда театрда ёки қундалик ташвишлар билан бозорда юрган пайтингизда, ховдонингиз ва мулкнингиздан хотиржам бўлишни истайсизми?

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимлари бу ишни амалга оширади.

Улар сиз раҳбарлик қилаётган корхонангизни ёки ховдонингизни тарифлар асосида қўриқлаш ускуналари билан жиҳозлаб, ишончли қўриқловчи таъминлайди. Ойлик тўлов ҳақи — Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган тариф асосида. Сиз ва яқинларингиз мулклари — ҳамisha бизнинг ҳимоямизда!

Мурожаат учун телефонлар:

Table with 2 columns: Қўриқлаш бошқармаси/Бўлими, 233-37-83, 237-61-08, 242-41-12, 242-41-24, 293-38-90, 283-43-59, 212-49-42, 212-49-37, 262-24-77, 262-04-60, 250-49-77, 250-90-22, 246-79-96, 246-28-02, 217-27-22, 275-69-62, 295-06-02, 295-03-48, 295-03-47, 293-38-03, 150-78-71, 293-43-48, 216-00-70, 217-60-42, 258-08-67, 258-85-62

«Тошкент труба заводи» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади. (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-88, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни хариддорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ижтимоий реклама

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга давлат ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиялари руҳсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашуларга, ўз хизмат ваколатларини суистеъмол қилиш ҳамда бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда, эъдиқ билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Table with 2 columns: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси/Бўлими, (8-371) 234-01-09, (8-361) 223-19-86, (8-374) 223-18-96, (8-365) 222-82-85, (8-372) 223-56-10, (8-375) 221-14-64, (8-436) 770-25-73, (8-369) 227-31-38, (8-366) 233-51-00, (8-376) 223-21-81, (8-367) 226-08-58, (8-371) 261-64-36, (8-371) 234-50-98, (8-373) 244-68-14, (8-362) 227-24-11

Изоҳ: Бугунги кунда Тошкент шаҳрида содир бўлган ёнгиликлар тўғрисида хабар бериш учун «01» рақами ўрнига «101» рақамига қўнғирок қилиш керак. Республиканинг бошқа минтақаларида ёнгиликлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармақларида телефон қам — «01» ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига «O'zsanotqurilishbank» ОАТБ Самарқанд минтақавий филиалининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги улуши қўйилмоқда:

Table with 5 columns: Аукционга қўйилган объект, Асосий фаолият йўналиши, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш, Закалат миқдори, Бошланғич баҳоси

Аукцион савдоси 2014 йил 19 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати — 2014 йил 17 март куни соат 18.00. Юқоридаги улуш 2014 йил 19 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 26 март ва 2 апрель кунлари соат 12.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 26 мартдаги такрорий савдо учун — 2014 йил 24 март куни соат 18.00 да, 2 апрелдаги савдо учун — 31 март куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси голибига 10 иш кун ичида сотувчи

билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мазкур ёзлонда кўрсатилган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 006231.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФИда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 69 227 465 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 6 март куни соат 11.00 да

бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати — 2014 йил 4 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2013 йил 7 майдаги 1-1552-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, «Урта Ровустон» МФЙ ҳудудиде жойлашган, фуқаро Нуриддинов Рустам Муҳитдиновичга тегишли, умумий фойдаланиш майдони 989,44 кв.м., қурилиш ости майдони 826,52 кв.м., 19 та хонадан иборат бўлган «Нарғиз савдо дўкони» бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Уйчи тумани СИБ томонидан ФИБ Учқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 10 июлдаги 1523-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Каримова Малуада Турсиновнага тегишли, Наманган вилояти, Уйчи тумани, «Уйчи» ШФЙ, «Навоий» МФЙ, Ҳамза кўчаси,

1-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 284,1 кв.м., қурилиш ости майдони 305,8 кв.м. бўлган умумий овқатланиш шохобчаси бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 63 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати — 2014 йил 28 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800010492060915, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-кават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алишер Навоий номидаги ДАКТ раҳбарияти ва жамоалари Ўзбекистон Республикаси Халқ артисти, Давлат академик катта театри бош балетмейстери Ибрагим Юсупович ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритган.

— Углим илгари тортинчок, жисмонан кучсиз эди, — дея Азизбекнинг болали-

яши тушунишди ва шунинг учун ҳам кейинги йилларда спорт секцияларига қатнаётган ҳам тасдиқлайди.

Айни дамда Бухоро туманида 27 минг 302 та хонадон бор. Жойларда 45 та кишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли марказий поли-

92,2 фоизи спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Демак, оилада соғлом болаларнинг вояга етиши учун қулай шарт-шароит юзага келяпти.

— Агар соғлом турмуш тарзига риоя этилса, касалликларнинг эллик фоизи оиланинг ўзидаёқ камаяди ва бу аллақачон ўз тасдиғини топган ҳақиқат, — дейди Э. Абдуллаев. — Йилига икки бор тиббий кўриқдан ўтиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, шунингдек, спорт билан шуғулланиш, тиббий саводхонлик, зарарли одатлардан воз кечиш, руҳий оёсайиш каби омилларнинг ҳам оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрни бениҳоя катта.

Шифокорни тинглаётиб, Гулноз Аслонованинг спортга меҳр кўйган Азизбек ҳақидаги гапини эсладик. Ўз ўглининг соғлом вояга етаётгани назарда тутилганда биз билан хайрлаша туриб, “Фарзандимнинг эртасидан кўнглим тўқ”, деди. Зурриётнинг келажагидан хотиржам ана шундай ота-оналаримиз кўпайганига нима этсин!

Истам ИБРОҲИМОВ.

# Соғлом ҳаётнинг мустаҳкам асоси

гини эслайди унинг онаси Гулноз Аслонова. — Спортга ошно тутинди-ю, ҳар томонлама ўзгарди. Ҳозир анча тетик, билаги кучга тўлган, қадамлари дадил, ўзига ишончи юқори. Табиатан анча қиршилли бўлиб қолган. Касалликка сира ён бермапти. Доим кайфияти чоғ. Ўқишлари ҳам масъулият билан ёндашапти.

Сабр-бардошли, чидамли, қатъиятли киши эса хасталикка осонликча бўйин эгмайди. Туман тиббиёт бирлашмаси томонидан мактаб ёшлардаги болаларни профилактик кўриқдан ўтказиш натижалари шундан далолат бермоқдаки, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қила-

клиника, репродуктив саломатлик маркази, тиббиёт бирлашмаси, ўнга яқин хусусий шифохона шу хонадонларда истикомат муассасаларида хизматда. Мазкур муассасаларда меҳнат қилаётган шифокорлар томонидан маҳалла ва кишлоқларда аҳоли тиббий маданиятини ошириш, фуқароларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган тушунтириш-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бу юмушлар ўз самарасини бермоқда, албатта. Айниқса, оилаларда спортга бўлган муносабат ўзгарди. Бизга маълум қилишларича, ҳозир тумандаги 6 ёшдан то 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 23 минг 632 нафари, бошқача айтганда,

Таҳлил

Бухоро туманидаги Қўшхоним қишлоғида яшовчи Жонибек Ҳамроев ўтган йили тазквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Саккиз ёшли Жонибекнинг бу ютуғидан унинг ота-онаси ҳам, кишлоқдошлари ҳам хурсанд.

— Углим уч йилдирки, спортнинг шу тури билан мунтазам шуғулланади, — дейди умидли тазквондочининг отаси Отаназар Ҳамроев. — Мактабдаги дарслари тугагач, туманимиз марказидаги транспорт ва курилиш коллежидан ташкил этилган спорт тўғраги машғулотларига йўл олади. Албатта, унинг ҳар бир ютуғидан қувонамиз. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Лекин биз учун, энг муҳими, унинг соғлом вояга етаётганидир.

Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланиш организмнинг яхши ривожланишига, ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Буни шу туманда яшовчи Ҳамроқулловлар хонадонини мисолида ҳам кўриш мумкин. Спортсевар бу оиланинг фарзанди Азизбек Ҳамроқуллов ҳали мактабнинг 5-синфида ўқиб юрган кезларидек дзюдога меҳр кўйганди. У ҳозир 16 ёшда. Коллежда таҳсил оляпти. Қўллаб

*Танақли спорт мураббийларидан бири Убайд Мукаррамовнинг фикрича, спорт, ҳақиқатан ҳам, кишини жисмонан чиқиқтиради, тоблайди. Айниқса, ёш авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Жисмонан чиқиққан одам турмуш ташвишлари олдида эсанкираб қолмайди. Унга ҳаётдан ўз ўрнини топишда айнан спорт кўмак беради.*

Туман Саломатлик маркази директори Эргаш Абдуллаевнинг кўйидаги мулоҳазалари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

— Бизни бир нарса қувонтиради. Ота-оналар фарзанд камолотида спорт нақадар шувимлигини энди

япти. Буни ўтган давр мобайнида ўқувчилар ўртасида ўткир респиратори вирусли инфекциялар, пневмо-

**Мутахассисларнинг фикрича, сув спорти билан шуғулланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний чиқиқишда жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, сузишни қанда қилмайдиган одамларда умуртқа погонаси, елка суяклари ва юрак фаолиятида нуқсонлар кузатилмайд.** Яна бир жиҳати, сувга тушган киши ўзини тетик ҳис қилади ва айнан ўша дақиқаларда ҳар қандай асабий зўриқишлардан холи бўлади.

## Машғулот учун маъқул вақт

Бу машғулот, шубҳасиз, каттаю кичикка бирдек завок улаша олади. Шу боис йилнинг тўрт фаслида ҳам очик ва ёпиқ сув ҳавзалари спорт ихлосмандлари билан банд бўлади. Улар орасида, айниқса, ёшларнинг кўплиги қувонарлидир.



Ўғил-қизларимиз бугун мазкур спорт тури билан шунчаки шуғулланаётганлари йўқ. Улар яратилган имкониятлардан умуми фойдаланган ҳолда, ўз истеъдодларини намойиш этиб, эътирофларга сазовор бўлишапти. Бир қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятга эришган наманганлик спортчиларнинг шижоати бунга мисолдир.

— Юксак марраларни кўзлаб, астойдил маъқ қилиб, қатор ютуқларни кўлга киритаётган шогирдаларимиз сафи кенгайиб бораётгани бизни қувонтиради, — дейди Наманган вилоятидаги 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Дилана Шамситдинова. — Хусусан, Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг яқинда ўтказилган навбатдаги йилгишида 2013 йилда халқаро мусобақаларда қатнашган ёшларимиз томонидан 124 та олтин медалга кўлга киритилганини алоҳида эътироф этиб, бундай марраларни забт этаётган иккидорли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Энг муҳими, спортнинг сирли оламига ошно тутинган ўғил-қизлар машғулотларга шунчаки ёндашмайпти. Улар Ватан довуғини дунёга янада кенроқ таништиришга муносиб хисса қўиши илминкида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бундай ёшлар бизнинг гуруримиз, бахту иқболимиздир.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



**Бугун юртимизда 842000 нафарга яқин қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Футбол бўйича ФИФАнинг терма жамоалар рейтингини мамлакатлар бош жамоаларининг яшил майдонда кўрсатаётган ўйинларини баҳолаб борадиган ягона тизимли кўрсаткич ҳисобланади.**

## ФИФА рейтингини қандай тузилади?

Рейтинг 1993 йилдан эътиборан тузила бошланган бўлиб, терма жамоаларнинг сўнгги тўрт йиллик мусобақаларидаги иштирокига қараб, коэффициент орқали ҳар ойда янгиланиб борилади. Ҳар бир ўйин учун маълум миқдорда очко тақдим этилиб, муваффақиятга эришган терма жамоа рейтингини оширилади. Айни пайтдаги жадал 2006 йили Германия яшил майдонларида ташкил қилинган “мундиаль” бахсларидан сўнг муқаммал тизим туфайли янгича қўринишга келган.

Маълумки, қитъа ёки жаҳон чемпионатларининг саралаш гуруҳлари жамоаларнинг рейтинг жадвалидаги эгаллаб турган ўрнига қараб тақсимланади. Қанчалик юқори ўрин банд этилса, майдондаги рақиблар шунга мос равишда энгирок бўлиб намоен бўлади. Умуман олганда, рейтинг тузишда жуда кўп омиллар мўҳим аҳимият касб этади. Аввало, ўйиннинг асосий қўшимча дақиқаларидидаги галаба учун 3 очко, пенальтилар сериясидаги голиблик учун 2 очко, дуранг учун

1 очко ва табиийки, мағлубият учун 0 очко берилди. Нега айнан 0 очко, деган савол туғилиши мумкин. Бу борада ўтказилаётган беллашувнинг нечоғли мўҳим ва қандай микёсдаги мусобақа доираси-

### Биласизми?

да уюштирилаётгани ҳам бевосита рейтингга боғлиқ. Агар у ёртоқлик учрашув бўлса, коэффициент даражаси 1.0 га баҳоланади. Қитъа ва жаҳон чемпионатлари саралаш бахслари даражаси 2.5, қитъа биринчилиги ва Конфедерациялар кубоғи ўйинлари даражаси 3.0 ҳамда Жаҳон

чемпионатларининг шиддатли беллашувлари коэффициент даражаси 4.0 деб белгиланади. Шунингдек, терма жамоаларнинг рейтингга эгаллаб турган погонаси маълум очко берса, қитъаларнинг ҳам коэффициент даражаси ҳисобланади. Бунда Европанинг УЕФА ташкилотини бошқа минтақаларга қараганда юқори коэффициентга эга бўлиб, кейинги ўринларда Жанубий Америка (КОНМЕБОЛ), Шимолий Америка (КОНКАКАФ), Африка (КАФ), Осиё (ОФК) ва Океания келтирилган. Юқоридаги омилларнинг барчаси қўшилиб, терма жамоанинг йил давомида ўтказган ўйинлари сонига бўлинади ва сўнгги рейтинг очкоси умумлаштирилиб, натижа чиқарилади.

Ҳозирги кунда Испания терма жамоаси ФИФА рейтингини бошқариб келмоқда. Эътиборлиси, рўйхат тузила бошлангандан бундан 7 та терма жамоа Европадан — Германия, Италия, Франция, Испания, Нидерландия ҳамда Жанубий Америкадан — Бразилия ва Аргентина биринчи погонадан жой олишга муваффақ бўлган. Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси айни пайтда 57-ўринда қайд этилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.



Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида “Манчестер Юнайтед” клуби дарвозасини ҳимоя қилган Алекс Степни “Бирмингем” клубига қарши ўйин вақтида ҳимоячиларга шунақадки баланд овозда бақирганки, натижада унинг жағи чиқиб кетди. Табиийки, бундай ҳолатда у учрашувни давом эттира олмайди. Ўша пайтдаги қоидаларга кўра, дарвозабонни алмаштиришга ружаст йўқ эди. Шу боис Степнинг ўрнини майдондаги футболчилардан бири эгаллайди ва у жамоаси дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолади.

## Шунақаси ҳам бўлган

1996 йилда “Тоттенхем” клуби авваси Алан Нильсен қизли бўлганини эшитиб, фарзандини кўриш учун туғуруқхонага боради. Футболчи чақалоқни яқиндан кўриш учун қаравотга энашади. Шунда кичкинтой тўсатдан отасининг кўзига қаттиқ зарба беради. Кутимазан бу “ҳужум”дан Алан шикастланади ва бир неча ўйинда жамоасига ёрдам бера олмайди.

“Челси” шарафини ҳимоя қилган италийлик дарвозабон Карло Кудичини ити билан боғда сайр қилиб юрганида тўсатдан унинг олдида мушук югуриб ўтади. Табиийки, бундай пайтда ит ўзини боса олмайди ва дарров мушукка ташланади.

1993 йилда “Саутгемптон”да ўйнаган дарвозабон Дэйв Бизантни музлаткидан егулик олаётиб шиша идишдаги майонезни тушириб юборади. Шунда унинг дарвозабонлиги ёдига тушиб қолади, шекилли, идишни синишдан асрайман, деб тешиб юборади. Дэйвнинг тўсатдан қилган бу хатти-ҳаракати оқибатида оёғига жиддий жароҳат етди.

## «ТОШКЕТ ДЕНГИЗИ»ДА ҚАЙИҚЛАР ТЎЛҚИНИ

Шу кунларда Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежининг “Тошкент денгизи” соҳилларидаги ўқув-машғулот базаси ҳар қачонгидан гавжум. Кишининг қор-қировли, совуқ кунлари бўлишига қарамай, бир гуруҳ ёш спортчилар байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича амалий машғулотларга киришганлар.

Бугун галвир сувдан кўтариладиган, ҳаракат ва интилишлар ўз баҳосини топадиган кун. Ўқувчилар ўз тайёргарликларини синовдан ўтказишмоқда. Навбат коллеж ўқувчиси Дилноза Раҳматовга келди. Ҳамма ҳаяжонда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у жорий йилнинг июнь ойида Венгрияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафлиги учун кўрсаткич кўрсатиб турибди. Масалан, у илк галабасини 2012 йилда Ўзбекистон очик чемпионатида нишонлади. Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритди. Худди шу йилнинг ўзида Канадада бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида совриндор бўлди, Украина очик чемпионатида эса олтин медал билан тақдирланди. Ўшанда ёш спортчининг каноэда 200 метрлик масофани босиб ўтиши учун 49 сония кифоя қилган бўлса, 500 метрлик марра 2 дақиқа 18 сонияда ишол қилинди.

Тўғриси, қиз боланинг эшак торттиши бу қадар қойил қилишига ажабланасан киши. Қаранг, Дилнозанинг бўйи бир метру олтинми беш сантиметр, қайқининг узунлиги эса салкам беш ярим метр. Энди баъзан оқимга, баъзан шамолга қарши сузишни айтинг. Устига-устак, ҳар ернинг тоштарозиси бўлгани каби суви ҳам турлича. Мутахассисларнинг айтишича, бизнинг ҳавзаларнинг обихаёти анчайин илиқ ва “юмшоқ”. Кўп жойларда бунинг акси. Нима, бу эшакчиға таъсир этмайди, дейсизми?

... “Тошкент денгизи” нафис чайқалади. Ҳарорат олти даража совуқ. Дилноза кадрдон каноэсида “старт чизиги”га келди. Ниҳоят, старт буйруғи янгради. 200 метрлик масофа гўёки кўз очиб юмғунча босиб ўтилди. Назоратчи мураббий Рустам Мирзадиёровнинг қўлидаги секундомерига “48,1” рақами муҳрланди. Машғулотлар учун бу кўрсаткич яхши. Аммо ҳали янада кўпроқ ишлаш керак. Модомки, у Венгриядан олтин медал билан қайтишни мақсад қилган экан, худди шу машқни 45 сонияда удралай олиши шарт.

Демак, асосий машғулотлар олдида!



### Эътироф

Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан яхши хабардорман. Мени, айниқса, мамлакатимизда жорий этилган уч босқили тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари жуда қизиқтиради. Бирор бир давлат тажрибасида учрамайдиган бундай ноёб тизимнинг амалдаги самаларини бугун ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган юксак натижалари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Анико Немет МОРА, Халқаро оғир атлетика федерацияси директори.

### футбол тарихидаги энг антиқа жароҳатлар ҳақида

Натижада у ҳўжайинни судраб кетади. Бундай ешкан ҳаракатга тайёр бўлмаган Карло тиззасидан жиддий жароҳат олиб, мураккаб жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Карло шундан бери ит билан сайрга чиқмайдиган бўлган.

1993 йилда “Саутгемптон”да ўйнаган дарвозабон Дэйв Бизантни музлаткидан егулик олаётиб шиша идишдаги майонезни тушириб юборади. Шунда унинг дарвозабонлиги ёдига тушиб қолади, шекилли, идишни синишдан асрайман, деб тешиб юборади. Дэйвнинг тўсатдан қилган бу хатти-ҳаракати оқибатида оёғига жиддий жароҳат етди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5